

Qishloq hayoti

2012 йил Мусмаҳкам оула ўлу

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 31-MAY, PAYSHANBA, 64 (7989) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

Куннинг муҳим воқеалари

► Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган "Китоб санъати" IX халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда чоп этилган ноширлик ва матбаа маҳсулотлари бир неча номинациялар бўйича совринли ўринларни қўлга киритди.

► Хонобод шаҳридаги "Фозилмон" қишлоқ врачлик пунктига қуёш нурлари ёрдамида энергия ишлаб чиқарувчи батареялар ўрнатилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари томонидан амалга оширилаётган "Ижтимоий соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари" лойиҳаси доирасида ўрнатилган мазкур энергия манбаи қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилаш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш имконини беради.

► Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ҳамда янги тахрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

► Нукусда бўлиб ўтган «Оналар куйлаганда» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида алла ижрочилиги бўйича Кўнгирот тумани вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Қораўзақ, Кегейли туманлари жамоалари лапар, ёр-ёр айтиш бўйича юқори ўринга сазовор бўлди.



**1 ИЮНЬ - ХАЛҚАРО
БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ КУНИ**

Рашид Галиев олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



**КАКАЙДИНИНГ ИККИНЧИ
ҲАЁТИ БОШЛАНМОҚДА**

3

«БУНЁДКОР» ЧОРАК ФИНАЛДА!



5



ШОЙИ СИРИ

6

Жиззах Вилояти

МАҚСАД ЙЎЛИНИ МЕХНАТ ОЧАДИ

Мирзачўл тумани Расул Ҳайдаров номи сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги "Кўчарбой-Хурсанд" фермер хўжалиги раҳбари Акрам Кўчаров изланувчан, ташаббускор юртдошларимиздан. У юртимизда фермерлик ҳаракатлари бошланган дастлабки пайтлардаёқ 54 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этган эди.

Ўтган йилларда у бошлиқ фермер хўжалиги аъзолари пахтадан ҳам, галладан ҳам мўл ҳосил олиб келмоқда. Бу, энг аввало, хўжалик даромадининг юксалишига омил бўлмоқда. Даромадини эса хўжалик техника базасини мустаҳкамлаш, дала шийпони барпо этиш, улар атрофини ободонлаштириш, боғ яратиш ва ўзларининг уй-жой шароитлари ҳамда иқтисодий аҳолиларини яхшилашга йўналтирди.

Фермер хўжалик қошида қўшимча тармоқларни ривожлантиришни мақсад қилди. Шийпонидан сал нарида пахсадан молхона қурдирди ва бозордан 12 бош гунажин олиб келди.

Мана, ўшандан бери тўрт йилча вақт ўтди. Гунажинлари бузоқлади, бузоқлари ўсди ва кўпайиб, бугунги кунда қорамоллари сони 42 бошга етди. Айни пайтда уларнинг 18 бошидан кунига 150 литр атрофида сут соғиб олинмоқда. Хўжалик аъзолари эҳтиёжидан ортгани туман марказий шифохонаси ва силга қарши кураш диспансери беморларига ҳамда мактабга таълим муассасаларига етказиб берилаётди.

Акрам Кўчаров ва хўжалик қорвадорлари сўнгги уч йил мобайнида уюшма ҳудудидаги 54 гектар ташландиқ даладан қайта ўзлаштириб, 10 гектарда озуқа экинлари етиштиришни йўлга қўйишлари баробарида қолган 44 гектардан яйлов сифатида фойдаланишга.

— Бу торғина яйлов молларимиз учун ҳеч нарса эмас, — дейди хўжалик молбоқари Мелибой Эргашев. — Барча молларимизни эркин ҳайдаб юборсак, бир кунда чангини чиқариб юборади. Лекин биз яйлов маданиятига риоя этиб, ана шу 44 гектарни 20 хулудга тақсимлаб қўйганмиз. Ҳар бир ҳудудда бир кундан боқиб, 20 кунга етказамиз. Уларни бир ҳудуддан чиқаргач, ўша ерни маҳаллий



ўғитлар билан ўғитлаб, сув тараймиз-да, молларни бошқа ерларда боқиб бўлганимизча ўтларини ўстирамиз. Барча ҳудудни икки айлантриб улгурмасимиздан, галла ўрим-йғим мавсуми келади. Сўнг галлазор-ангарларга ҳайдаймиз. Шу тариқа молларимиз доимо семиз-дуркун, сермахсул бўлади. 6 бош йилқимиз ва 100 бошдан зиёдроқ қўйимиз бор. Уларни кўпинча Арнасай-Тўзқон соҳилларига ҳайдаб боқаётимиз. Яқинда йилқиларимизнинг бештаси қулунлайди. Фермеримиз эринмай, иккита зотдор йилқи топиб келиб, улардан урчитган эди. Бу йил қимиз ҳам сероб бўлади. Бурноғи йил тутилган иккита тойимизни кузга бориб, боқувага ташлаймиз. Янги йилга ажойиб қаз-қарта тайёрлаб, туман аҳолисини сийлаймиз.

Хўжалик аъзолари шусиз ҳам туман чўлуварларига тез-тез сиёвлар тўхфа этишади. Масалан, биргина жорий йил Наврўз байрамидан тантана иштирокчилари учун гўшт ва сут маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этиб, унда арзон нархларда 260 килограмм мол гўшти, 140 килограмм қўй гўшти, 200 литрдан зиёда сут, қаймоқ ва қатик сотишди. Туман болалар спорти ва нуронийлар жамғармалари ҳисобларига 500 минг сўмдан пул ўтказиб, бешта кам таъминланган оилаларга байрам сов-

галари ташкил этишди. Яқинда эса Бахмал ва Галлазор туманларидаги кам таъминланган оилалар, қишлоқ врачлик пунктлари беморлари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун 200 килограммдан зиёда гўшт ва кўплаб сут маҳсулотлари тўхфа этишди.

— Бу йилги даромадга хўжалигимиз қошида гўшт, сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган кичикроқ корхона очини режалаштирмоқда, — дейди фермер Акрам Кўчаров.

Айни пайтда 32 гектар галлазоримизда ҳар қачонгидан мўл ҳосил этиляпти. Кеча туман мутахассислари билан биргаликда тахминий чамалаш ўтказдик. Бошоқлардаги мумишган доллар сонига қараганда, гектарда 60 центнердан ҳосил етилмоқда. Пайқалимиз бегона ўтлардан тоза, касаллик ва зараркунада ҳашаротлар йўқ. Пахтазорда эса, ўчинчи ишловни тугаллаётимиз. Иккинчи ишлов пайтида гектарига 500 килограммдан чиритилган гўнг соғанимиз жуда фойдали бўлди. Экинимиз бир текис ривожланмоқда. Хўжалигимиз аъзолари бундан руҳланиб, меҳнат кўтаринчилигини янада авж олдиришяпти. Зеро, юксак мақсад ва эзгу орзулар йўлини меҳнат очади.

Келдиёр ЖҲАКУЛОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

▼ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ИСТЕЪМОЛЧИ ЭҲТИЁЖИГА ЯРАША

Миллий матбуот марказида «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти томонидан соҳани техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялашни жадаллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда мамлакатимизда кўмир ишлаб чиқаришда техник-технологик қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилаётганлиги, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини қайта жиҳозлаш, инвестиция киритиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Президентимизнинг 2011 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Янги Ангрен» ИЭСнинг энергоблокларини йиллик кўмир ёқишга ўтказиш билан «Ангрен» кўмир конини, «Шарғункўмир» ОАЖ, «ТТУС» заводларини модернизациялаш, кўмир ишлаб чиқариш соҳасининг инвестиция лойиҳаларини ошириш эвазига Циклик-оқим технологиясини жорий этишда технологик жараён бутунлай янгиланиб, эксплуатация харажатларини кескин қисқартиришга эришиш белгиланган.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ кўмир қазиб олишни ва корхоналар қувватини 2,5 баробарга ошириш, импорт ўрнини босувчи



маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эксплуатация қилинаётган тоғ транспорти ва тоғ-шахта дастгоҳларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш борасида бир неча лойиҳалар устида халқаро ташкилотлар ҳамда институтлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

«Ангрен» кўмир конида қиймати 4 миллион АҚШ доллари тенг бўлган «глиеж» қазиб олишни йўлга қўйиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳа

амалга оширилгач, цемент заводлари эҳтиёжи учун йилгига 300 минг тонна «глиеж» қазиб олиниб, 180 та янги иш ўрни ташкил этилади.

«Ўзгирнефгазкимёлоиҳа» институти томонидан қиймати 12 миллион АҚШ доллари бўлган «Юкори қулли кўмирни бойитиш» лойиҳаси тайёрланмоқда. Лойиҳа ишга туширилгач, истеъмолчиларга йилгига 600 минг тонна бойитилган кўмир етказиб берилиб,

60 та янги иш ўрни яратилади.

Аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига сифатли кўмир етказиб бериш борасида ҳам янги технология ишга туширилди. Жумладан, Фарғона водийси ва Ангрен шаҳрида брикет — қадоқланган кўмир ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда. «ТТУС» заводи мутахассислари томонидан кўмир брикетлари санат-тажриба ускунасида махсус технология асосида тайёрланмоқда. Ишлаб чиқарилган брикетлар кичик қозонхоналар, бино-иншоотларни иситиш воситаларида ёқишга мослаштирилган.

Шунингдек, «Ўзбеккўмир» ОАЖ мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ходимлари билан биргаликда иккиламчи каолиддан глинозем — цемент ишлаб чиқариш, кўмир қичқиндисидан органик-минерал ўғитлар ишлаб чиқариш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқдалар.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Аҳмаджон РИХСИБОВЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бир қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, Марказий банк вакиллари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Учрашувда мамлакатимизда қулай инвестицион муҳит яратилганлиги, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли имтиёз, афзалликлар ва кафолатлар тизими барпо этилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил этилгани ва муваффақиятли фаолият юритаётгани қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимизга хорижий инвестициянинг янада кенгроқ жалб қилиниши учун қулай шароит яратилишида муҳим омил бўлиши, шу сабабли, ушбу фармоннинг ижроси масъул идоралар томонидан тўлиқ таъминланиши шартлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, учрашувда хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан сўзсиз риоя этилиши, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, маъмур соҳада прокурор назорати кучайтирилиши ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича таъсирчан чоралар қўлланилиши, уларнинг қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши борасида қатъий талаблар қўйилди.

Учрашувда иштирок этган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан оқим мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди, шунингдек, улар давлат бошқаруви органлари масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва атрофлича жавоб олдилар.

Учрашувда мутасадди идораларга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қаратилган тегишли тасвиялар берилди.

Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратураси
матбуот хизмати

Сурхондарё Вилояти

Жаркўрғон — аҳоли зич яшайдиган, иқтисодининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этадиган туманлардан бири. Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ердан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, сув таъминоти билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

КАКАЙДИНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ БОШЛАНМОҚДА

Унинг ишга туширилиши Жаркўрғон туманида сув таъминотини янада яхшилайд

“Ўзсувлойиха” институти-нинг Сурхондарё вилояти бўлими ходимлари томонидан Какайди каналининг қарийб олти километрлик қисmini лойқа ва турли чиқиндилар-

маганлиги ва насослар ишлатилмаганлиги сабабли, обихаёт тақчиллиги юзга келди. Бу Какайди каналининг сўз юритилаётган қисmini қайта қуриш масаласини кун тартибига қўйди.

— Какайди каналининг олти километрлик қисmini қайта қуриш ишларини олиб бориш бўйича тендер савдоси ўтказилди, — дейди 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бош муҳандиси Аваз Жабборов. — Жаркўрғон туманидаги “Туронирсувқурилиш” корхонаси ғолиб деб топилди ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Хозирги пайтда канални қайта қуриш ишларида иккита экскаватор, бульдозер, автокран ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Канал ўзанини тозалаш, белгиланган чуқурликда қовлаш, гидротехник иншоотларни барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қисқа муддатда 220 миллион сўмликдан зиёд иш ҳажми адо этилди. Какайди каналини қайта қуришда жорий йил охиригача 1 миллиард 100 миллион сўмлик иш бажариш белгиланган. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Каналнинг шу қисмидаги ишлар ниятисига етказилиб, унинг ишга туширилиши Жаркўрғон туманидаги фермерлар, аҳоли томорқаларида 2500 гектар экин майдонининг сув таъминотини яхшилашга хизмат қилади.

Холмўмин ХУДОЙКУЛОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

«ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» УНИНГ ҚОИДАЛАРИГА БИР УМР РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги фармойишига асосан ўтказилаётган “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва мактаб-гача таълим муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тадбирларда ўтказилаётган ойлиқнинг аҳамияти, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт ва пйедалар, айниқса, болалар ҳаракати серкатнов йўлларда эътиборни янада қучайтириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бир қатор тегишли муассасалар, кенг жамоатчилик иштирокида махсус гуруҳлар ташкил этилиб, рейдлар ўтказилмоқда. Ҳамкорликдаги ишлар натижаси оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб борилаётган. — Худудимизда йўл транспорт ҳодисалари ўтган йил-

нинг шу даврига нисбатан камайганлиги мана шундай тадбирлар ўтказилишининг самарасидир, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш ва жамоатчилик билан алоқалар гуруҳи катта инспектори, капитан Мурат Айтбоев. — Йўл патрул хизмати инспекторлари асосий эътиборни ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликларни аниқлашга қаратишмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда пйедалар йўлакларини, ер ости йўлларини талаб даражасига келтириш чоралари кўрилди. Чорраҳалар, корхо-

на ва ташкилотлар, ўқув муассасалари атрофида йўл белгилари, светофорлар мавжудлиги текширилиб, зарур бўлса, эскиларини янгилаш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Ўтказилаётган учрашувларда эътиборсизлик оқибатида содир этилган йўл транспорт ҳодисалари таҳлил қилиниб, келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий риоя этиш зарурлиги тушунтириляпти. Зеро, «Йўл қоидаси — умр фойдаси» деб бекорга айтилмаган. Шундай экан, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» мобайнида эмас, ҳар доим йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз шарт.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

Самарқанд Вилояти

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Ургут туманидаги «Сам Полен Текстиль» корхонасига хориждан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Ишлаб чиқариш цехларига ўрнатилган янги технологиялар иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг бир неча баробар ошишига омил бўлди.

— Бу борада бизга «Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.» компанияси билан ҳамкорлик ўрнатганимиз кўл келди, — дейди корхона бош хисобчиси Алишер Мамаев. — Уч йил муддатга тузилган лизинг шартномаси асосида келтирилган умумий қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган технологияларнинг йиллик қуввати

210 тонна полипропилен ил ишлаб чиқариш ва махсус ўраш имкониятига эга.

Замонавий ускуна ишга туширилиши электр энергиясини тежаб, маҳсулотни юқори сифатда тайёрлашимизга имкон яратди. Энг муҳими, 10 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Акбар ҚАРШИЕВ

Хоразм Вилояти

▼ МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

БОБОЖОНОВЛАР ЯРАТАЁТГАН БОҒЛАР

Янгириқ тумани Каттабўғ қишлоғи ҳудудидagi “Шохрух-Жўра” фермер ҳўжалиғи раҳбари Ражаббой Бобожоновнинг оила аъзолари билан ҳамжиҳатликда барпо этган каттагина боғи бор. Боғбонлик бу оилга бобомерос. Чунки Ражаббой аканинг отаси Собир бобонинг олмурутга пайванд қилган нок ва нашватилари жуда мазали ҳамда хариддорғир эди. Шу боис, бугунги кунда ҳудуддаги кўплаб боғларда ҳосил бераётган мевали дарахтлар асосини Собир бобо пайвандлаган кўчатлар ташкил этади. У кишидан фарзандларига меҳнатсеварлик, омилкорлик каби хислатлар мерос қолди.

— Ҳукуматимиз томонидан оилавий бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши оилалар даромадларининг ошиши, турмуш фаровонлигининг таъминлишида муҳим аҳамият касб этаётган, — дейди Каттабўғ қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси Гулбаҳор Саъдуллаева. — Фиримизи исботини Ражаббой Бобожоновлар оиласи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўғиллари — Ҳамза бобон, Ҳамдам, Ҳамид ва

Умидбек ҳайдовчи. Аммо улар ҳам бўш қолди, дегунча боққа бошилишади. Деҳқончилик юмушларини бажаришда аёллар ҳам қараб туришмайди. Хонадон соҳибаси Меҳрибон опа келинлари билан биргаликда боғ ишларига муносиб ҳисса қўшаётган. Дарҳақиқат, ушбу оила аъзолари жорий йилнинг эрта баҳорида ўз томорқалари ва фермер ҳўжалиғи боғида 20 минг дон қўчат етиштириб, сотдилар. Қавму қариндош-



лар, қўни-қўшини ва кам таъминланган оилаларга эса қўчатлар бепул тарқатилди. Утган йили ёзда мева-сабзавотдан, кузда олма, нашвати ва полиз маҳсулотларидан яхшигина даромад қилишди. Олинган даромадлар хисобидан енгил автомашина олиш-

ди. Уйлар қуриб, тўйлар қилишди. Буларнинг барчасига ҳалол меҳнат, аҳилик, омилкорлик сабаб бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорлик ушбу оиланинг ҳар жиҳатдан янада мустаҳкам бўлишига ижобий таъсир кўрсат-

моқда. Уларнинг тўқин яшашига имкон яратмоқда.

Оила аъзоларининг яхши бир одати бор. Улар қаерда бўлишмасин, ўзларига маъқул келган олма, нашвати, шафтоли, ўрик ва бошқа меваларнинг уруғ ҳамда данакларини йиғиб юришади. Кейин уларни унумдор туПРОҚ билан аралаштириб, кўмиб қўйишади. Эрта баҳорда ниш урган данак ва уруғлар махсус эгاتларга экиб чиқилади. Униб чиққан, ниҳоллар парваришланиб, вақти етган, пайванд қилинади. Қарабсизки, боғдаги дарахтлар сафига яна бир қанча мевали дарахтлар қўйилади.

Хуллас, мазкур оила вакиллари ҳар қарч ердан ризқ-рўз, барака ундиришмоқда. Зеро, бу ҳаракатларнинг барчаси фаровон ҳаёт кечириш, оила мустаҳкамлигини таъминлашга асос бўлади.

Холмурод ҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Келдиёр ЖҮРАҚУЛОВ
олган сурат.

▼ «ОЧЛ»



Тошкент Вилояти

▼ КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТИ

«БУНЁДКОР» чорак финалда!

Жанубий Кореянинг «Сонгам Илва Чунма» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари ўртасида Осиё Чемпионлар лигаси нимчорак финал учрашуви бўлиб ўтди. Меҳмонда тўп сурган вакилларимиз 0:1 ҳисобида рақибдан устун келиб, кейинги босқичга чиқишди.



Осиё Чемпионлар лигасида курашни давом эттираётган сўнгги вакилимиз — «Бунёдкор» клуби битта учрашудан иборат нимчорак финал баҳсини ғуруҳда иккинчи ўринни эгаллагани сабабли сафарда ўтказишига тўғри келди.

Учрашунинг бошида иккала жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан тўп суришди. Шундай бўлса-да, биринчи бўлимда иккала жамоада ҳам гол киритиш учун имкониятлар бўлди. Аммо мезбонларнинг дарвоза томон берган зарбалари мўлжалда ноаниқ кетган бўлса, «Бунёдкор»дан австралиялик легионер — Дэвид Карни йўлаган зарба «Сонгам Илва Чунма» дарвозаси устунига тегди.

Иккинчи бўлимда мезбонларнинг босими кучайди. «Бунёдкор» эса қарши ҳужум тактикасида ҳаракат қилишда давом этди. Ана шундай ҳужумларнинг бирида рақиб жарима майдонига кириб борган Камоллиддин Мурзоев кўполлик билан тўхтатиб қолди. Эронлик рефери Мухсин Турки мезбонлар дарвозасига пенальти белгилади. Зарбани Хайрулла Каримов бехато бажариб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Шундан сўнг рақиблар катта куч билан олдинга ўта бошлашди. Аммо уларнинг зарбаларини ушбу учрашувга жамоани сардор сифатида бошлаб тушган Игнатий Нестеров («Бунёдкор»нинг асосий сардори — Виктор Карпенко терма жамоага жалб этилгани сабабли учрашувда иштирок этмади) ишонч билан бартараф этиб, жамоасининг чорак финалга чиқишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, терма жамоамиз посбони мазкур баҳсининг энг яхши футболчиси, деб топилди.

Нимчорак финал баҳсида қайд этилган натижалар: «Ал Жазира» (БАА) — «Ал Аҳли» (Саудия Арабистони) асосий ва қўшимча вақтда 3:3, пенальтилар сериясида 2:4, «Сепакхон» (Эрон) — «Истиклол» (Эрон) — 2:0, «Ал Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Персеполис» (Эрон) — 3:0, «Ал Хилол» (Саудия Арабистони) — «Баньяс» (БАА) — 7:1, «Аделаида Юнайтед» (Австралия) — «Нагоя Грампус» (Япония) — 1:0, «Улсан Хюндай» (Жанубий Корея) — «Кашива Рейсол» (Япония) — 3:2, «Гуанчжоу» (Хитой) — ФК «Токио» (Япония) — 1:0.

Чорак финалга чиққан жамоалар ажратиб кўрсатилган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

▼ ЭШКАК ЭШИШ


ВАДИМ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасининг иккинчи босқичида ўзбекистонлик тажрибали каноэчи Вадим Меньков кумуш медални қўлга киритди.

Каноэда эшкак эшиш бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, уч маротаба дунёнинг энг яхши каноэчиси номига сазовор бўлган ҳамюртимиз В.Меньков 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

Биринчи ўринни мезбон спортчи Себастьян Брендель эгаллаган бўлса, франциялик Мэтью Губель бронза медал билан қийофланди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Польшанинг Познань шаҳри мезбонлик қилган жаҳон кубоги мусобақасининг биринчи босқичида минг метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича тўртликлар баҳсида



Серик Мирбеков, Мерей Медетов, Герасим Кочнев ва Нуришлом Тўхтасин ўлидан иборат жамоамиз ҳам кумуш медални қўлга киритган эди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

Бир оила — бир жамоа

Мамлакатимиз қудратини белгилайдиган асосий омиллардан бири — шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, эл-юртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. Уларнинг жисмонан соғлом бўлиб улғайишида эса спортнинг ўрни бекиёс. Ўртбосчимиз ташаббуси билан ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган «Соғлом оила — соғлом бола» мақсадли дастурини амалга оширишда ёш авлодни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутати.

Ёшларни оммавий спортга жалб қилиш борасида Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабаси Марказий Кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмокда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилавий спортни ривожлантириш, касабаси уюшма аъзоларини спортга кенг жалб қилиш мақсадида Марказий Кенгаш томонидан жорий йилнинг март-май ойлари давомида «Соғлом оила — ҳамяят таянчи» оилавий спорт мусобақалари республикамиз бўйлаб 3 босқичда ташкил қилинди. Мусобақаларнинг биринчи босқичи Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси бошланғич ташкилотларидаги спортчи оилалар ўртасида ўтказилган бўлса, унинг ғолиблари ўртасида апрель-май ойларида вилоят босқичлари ташкил этилди. Танловнинг қўйи босқичларида қарийб 834 та бошланғич ташкилот иштирок этиб, 3200 га яқин оилавий жа-

моалар жалб қилинган бўлса, вилоят босқичларида 334 нафар оилавий жамоа ўзаро беллашдилар. Пировардида ушбу спорт мусобақаларининг республика босқичи иштирокчилари аниқланди.

Шунингдек, аҳолининг спорт билан шугулланиши учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Агрорасаноат мажмуидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимларни оммавий спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мунтазам спорт билан шугулланиб келаётган ишчиларни рағбатлантириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Тармоқ корхона ва муассасаларидаги ходимлар ўртасида «Спорт билан мустаҳкам оила сари» шiori остида республика спорт соғломлаштириш спартакиада-си 3 босқичда ташкил қилинди. Спартакиаданинг қўйи босқичларида 1457 та бошланғич ташкилотлардан 16 минг нафардан зиёд ходимлар иштирок этишди. Иштирокчилар

спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка ва арқан тортиш турлари бўйича беллашдилар.

Мусобақаларнинг республика босқичи жорий йилнинг 26-29 май кунлари Ўстонлик туманида жойлашган «Куёшли» оромгоҳида бўлиб ўтди.

«Соғлом оила — ҳамяят таянчи» оилавий спорт мусобақаси иштирокчилари мусобақа низоми бўйича «Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш», «Чакқонлик ва мерганлик эстафетаси», «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар ўйини», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боппайимиз», «Тезлик эстафетаси», «Эңчиллик эстафетаси» ва «Арқан тортиш» шартлари бўйича беллашдилар.

Беллашувларни одилона ўтказиш ва ҳақамлик қилиш учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши спорт жамиятидан ҳақамлар ғуруҳи таклиф этилди.

Мусобақалар давомида иштирокчиларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш мақсадида маданий тадбирлар ва экосаёҳатлар ҳам ташкил қилинди.

Якуний натижаларга қўра, ҳар бир спорт тури бўйича оилавий жамоалар ўртасида ғолиблар аниқланди.

Мусобақа иштирокчилари ва ғолибларига Агрорасаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Иброҳим ТОШЕВ,

«Qishloq hayoti» мухбири.

ТЕННИС ВА КОРТЛАР УСТАСИ

Виталий Никифоров билан даставвал Наманган шаҳридаги «Дўстлик» теннис кортида танишиб қолдик. У киши Қарши шаҳридан. Теннис кортларини таъмирлаш, реконструкция қилиш устаси. Шунингдек, Қашқадарё вилояти теннис федерацияси раиси лавозимида фаолият олиб боради. Аммо ҳозир унинг теннисни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга қўшаётган ҳиссаси ҳақида эмас, балки спорт майдонларини обод этаётган ишлари ҳақида тўхталмоқчимиз. Биз учратган пайтда Виталий ока шогирдлари билан «Гуллар шаҳри»га теннис бўйича халқаро мусобақа олдидан спорт мажмуасидаги мавжуд теннис кортларини соз ҳолга келтириш учун келган экан.

Орадан бироз вақт ўтиб, йўлимиз Фарғонага тушди. Бу орада Наманганда ўтказилиши лозим бўлган халқаро мусобақа аяқланган, Виталий Никифоров ва шогирдларининг хизматлари билан унда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этганди. Виталий Никифоровни катта чорраҳа ёнида жойлашган теннис кортида оддий иш кийимида, шогирдлари Равайн Азизов, Жўрабек Файзиев, Бобур Шодиев, ўғли Денис ва бошқа ишчилар даврасида учратдик.

Бу ерда ҳам теннис бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтади. Майдонларни тезроқ ва сифатли қилиб тайёрлаш лозим, — деди сўхбатдошимиз. — Теннис майдонлари уч хил бўлади. Қўмили, майсали ҳамда қаттиқ қопламали майдонлар. Мамлакатимиздаги теннис кортларининг аксарияти қаттиқ

қопламали бўлиб, бундай майдонлар вақти-вақти билан таъмирланиб, янгиланиб турилиши лозим. Ўзбекистонда жана тмонанд юрда яшаб, меҳнат қилишнинг ўзи бахт. Танлаган касби-корим билан озми-кўпми ҳурмат-эътибор қозондим. Қўллаб-дўстлар орттирдим. Турмуш ўртоғим Рузалия Ҳалилова билан оила қуриб, бир ўғил, бир қизли бўлдик. Фарзандларимизни тарбиялаб вояга етказдик. Қизимиз Ленани турмушга узатиб, ўғлимиз Денисни уйлантирдик. Айни пайтда тўрт нафар набирамиз бор. Бахтиёр оилалардан биримиз.

Юртимизда спорт, шу жумладан, катта теннисни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида теннис майдонлари нафақат вилоят марказлари, балки туман марказларида, чекка қишлоқлар-



да ҳам бунёд этилиб, қишлоқ ёшлари орасида ҳам спортнинг бу турига қизиқувчи ва шугулланувчилари сони ортиб бораётди. Бунга Қувасой шаҳрида бўлган чоғимизда амин бўлдик. Бу ерда Нилуфар Хусанова мураббийлигида 27 нафар ўсмир-ёш спортнинг мазкур тури билан шугулланаётганлигига ғувоҳ бўлдик.

— Спорт билан шугулланган болалар соғлом ва баркамол бўлиб вояга етади, — дейди Виталий Никифоров. — Ёшларга спорт билан шугулланиш учун қулай шартнолар яратиш, жумладан, спорт майдонларини бунёд этиш бизнинг вазифамиздир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ



ШОЙИ СИРИ

Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, бундан 5 минг йил аввал Хитойнинг Шандун вилоятида ипак курти парваришланиб, ипак олина бошланган. Аммо бу фаолиятнинг сири узок йиллар давомида ушбу ҳудуддан ташкарига чиқарилмаган.

Миллодан аввалги XII асрда ипакчилик бутун Хитой бўйлаб тарқала бошлаган. Миллодан аввалги VI-V асрга келиб эса ипакчилик мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга эга соҳага айланди. Уша даврда солиқ ва ўлпонлар асосан шойи билан тўланар, ҳатто савдо-сотиқда пул ўрнида ҳам шойи ишлатила бошланди.

Хитойликлар шойи тайёрлаш усулини қаттиқ сир сақлашган. Мамлакатдан ипак куртини олиб чиқишга уринган ёки пилладан ипак олиш технологиясини ошкор этган киши қатл этиларди. Шу сабабли, шойи мато савдоси узок йиллар Хитойга катта фойда келтирди.

Хитойлик усталар шойининг учта сирини қаттиқ сақлашган. Булар ипак курти этиштириш ва пилла олиш, пиллани чуватиб ипак ҳосил қилиш ҳамда уни бўйаш эди. Дастлаб, ипак пиллани чуватиб эмас, балки капалак куртидан ипак массасини сиқиб чиқариш йўли билан олинган. Император Си Линг-Чи даврида пиллани чуватиш усули кашф этилган, бу технология бирмунча энгиллашади. Айтишларича, бир куни император боғда ўтирса, тут дарахтидан унинг чойига пилла тушади. Император пиллани олиб ташламоқчи бўлиб, ундан чиқиб турган бир қатим ипакни тортганида, ипак чуваиб, чўзила бошлайди. Шундан сўнг ипакни чуватиб олиш жорий этилди.

Ипак сирининг очилиши билан боғлиқ тарихий манбаларда турли тахминлар мавжуд. Византия манбаларида келтирилишича, император Юстиниан ҳузурига икки руҳоний келиб, ҳасса дастаси ковагига яширилган ипак куртини кўрсатишда ҳамда мамлакатда ипакчиликни ривожлантириш таклифини билдиришдади. Чунки улар саёхатлари давомида ипак курти боқиб, пилла олиш усуллари янги ўрганиб олишган эди. Шойи олишнинг сири шу таразда ошкор бўлган экан.

Айрим тадқиқотчилар эса ипакчилик дастлаб Сўғдага кириб келган, сўнг Фарбга тарқалган дейишади. Ривоят қилишларича, Бухоро ҳукмдорига турмушга чиқаётган Хитой маликаси қаллиғига тўй тўхфаси сифатида баланд соч турмага ичига ипак курти туҳмини ва тут дарахти уруғини яшириб олиб келади.

Миллодий IV асрга келиб шойи анча арзон бўлиб қолади. Натижада оддий одамлар ҳам шойи кийим юз бошлайди.

Соҳиба СОЛИЕВА
тайёрлади.

ЭЪЛОН

